

**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН**

**ДОНИШКАДАИ ОМУЌЗОРИИ ТОҶИКИСТОН  
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**

**МАХЗАНИ ИЛМ/ПАЁМИ ДОНИШКАДА, 2021, № 2.**

**МАВОДИ**

**он-лайн ва офф-лайн анҷумани илмӣ-амалии байналмилалии апрелӣ дар мавзӯи “Масоили мубрами улуми иҷтимоӣ-гуманитарӣ, риёзӣ ва дақиқ дар замони муосир”, 26 апрели соли 2021 дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент**

**СОКРОВИШНИЦА НАУКИ/ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2.**

**МАТЕРИАЛЫ**

**научно-практической международной апрельской он-лайн и офф-лайн конференции, на тему «Актуальные проблемы общественно-гуманитарных, точных и естественных наук в современную эпоху», 26 апреля 2021 года в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент**

**TREASURY OF SCIENCE/BULLETIN OF THE INSTITUTE, 2021, No. 2.**

**MATERIALS**

**of the scientific and practical international April online and off-line conference, on the topic "Actual problems of social and humanitarian, exact and natural sciences in the modern era", April 26, 2021 at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent.**

**Панҷакент – 2021**

**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН**

**ДОНИШКАДАИ ОМУЌЗГОРИИ ТОҶИКИСТОН  
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**

**МАХЗАНИ ИЛМ/ПАЁМИ ДОНИШКАДА, 2021, № 2.**

**МАВОДИ**

**он-лайн ва офф-лайн анҷумани илмӣ-амалии байналмилалии апрелӣ дар мавзӯи “Масоили мубрами улуми иҷтимоӣ-гуманитарӣ, риёзӣ ва дақиқ дар замони муосир”, 26 апрели соли 2021 дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент**

**СОКРОВИШНИЦА НАУКИ/ВЕСТНИК ИНСТИТУТА, 2021, № 2.**

**МАТЕРИАЛЫ**

**научно-практической международной апрельской он-лайн и офф-лайн конференции, на тему «Актуальные проблемы общественно-гуманитарных, точных и естественных наук в современную эпоху», 26 апреля 2021 года в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент**

**TREASURY OF SCIENCE/BULLETIN OF THE INSTITUTE, 2021, No. 2.**

**MATERIALS**

**of the scientific and practical international April online and off-line conference, on the topic "Actual problems of social and humanitarian, exact and natural sciences in the modern era", April 26, 2021 at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent.**

**Панҷакент - 2021**

---

Xulosa sifatida aytish mumkinki, sayyoh-elchiliklar ma'lumotlari negizida XIX asrda Rossiyada sharqshunoslik ilmi fan sifatida shakllangan. Birinchi ilmiy markazlar — Qozon, Peterburg, Moskva universitetlari paydo bo'lib, unda sharqshunos mutaxassislar tayyorlana boshlaydi. Ko'pgina sharqshunoslar chet elliklar bo'lgan (X.D.Fren, B.A.Dorn) yoki endigina Rossiyaga qo'shilgan milliy

hududlardan kelgan edilar (O.I.Senkovskiy). Shuning uchun birinchi rus sharqshunoslarining asarlari rus tilida emas, balki nemis va fransuz tillarida bo'lgan.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:**

1. Alimova D.A., Ilxamov Z.A. Tarix fani metodologiyasi. O'quv qo'llanma T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2018. 324-bet
2. Alimova R.R., O'rta Osiyo xonliklarining qo'shni davlatlar bilan qilgan savdo-iqtisodiy munosabatlari. Toshkent-2017. B-43-50
3. Savelev P.S. Buxara // Ensiklopedicheskiy leksikon. T.7. — SPb., 1836. — S.460.
4. Мадраимов А., Фузайлова Г. Манбашунослик. Тошкент, 2008. B-246.
5. Мухаммаджонов А., Неъматов Т.Н. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. Тошкен., 1957.
6. Valiyeva. XIX asr birinchi choragida Buxoro-Rossiya diplomatik aloqalariga doir. Sharqshunoslik.:1999. № 9. -B.122
7. Семенов А.А. К истории дипломатических сношений между Россией и Бухарой в начале XIX века. Изв АН Уз ССР. -1951. -№ 1. -С. 85-95
8. Михалева Г.А. Торговые и посольские связи России со среднеазиатскими ханствами. —Т.: 1982. —С. 80-81
9. 4.Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. М.; Наука, 1975. - С. 56
10. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии ( XVI середина XIX в.). М.: ИВЛ, 1958.
11. Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии (первая половина XIX в.). М., Наука. 1974.
12. Йўлдашев М.Й. XV-XIX асрларда Бухоро билан Россия ўртасидаги элчилик муносабатлари. Тошкент Ўздавнашр. 1957.

\*\*\*

**Тўраева Гули Баҳриддиновна,**  
БухДУ, Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

#### **РУС ШАРҚШУНОСЛИГИ ТАРИХИ (XVIII- XIX асрларда)**

**Аннотация:** Мақолада Россияда шарқшунослик илмининг ривожланиши тарихи ва давлат сиёсатида шарқшунос кадрларга бўлган эҳтиёж ва талаблар ҳақида фикр билдирилган. Шарқ мамлакатларининг тарихий ва этнографик, нумизматик, қўлёзма меросининг Россия музейларида жамланиши тарихи таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Шарқшунослик, Ҳарбий ва дипломатик идоралар, Қозон ва Санкт-Петербургда Шарқ қўлёзмалари фондлари, Осиё музейи, илмий-дипломатик миссиялар.

Шарқшунослик илми бу – Осиё ва Шимолий Африка халқларининг тарихи, фалсафаси, дини, маданий ёдгорликлари, санъати, тиллари, адабиёти, иқтисодиёти ва ҳозирги ҳолатини ўрганадиган илмий фанлар тўплами ҳисобланади.

Шарқшунослик фанларининг таркибий қисмларига қуйидаги йўналишлар кирази: япон, хитой (синология), ҳинд, туркология, миср, эроншунослик, семитология



ва бошқалар. Европада Шарқ мамлакатлари тарихини ўрганиш ҳарбий-маъмурий тузилмалар, савдо омиллари, миссионерлик муассасалари томонидан амалга оширилган бўлиб, мустамлакачиликнинг амалий мақсадларига хизмат қилувчи фан сифатида шаклланди. Мустамлакачи амалдорларнинг муваффақиятли ишлаши учун шарқ мамлакатларининг тиллари, давлат тузилиши, динлар, урф-одатларларни биладиган кадрларини тайёрлайдиган биринчи шарқшунослик муассасалари пайдо бўлди. Ғарбий Европада (биринчи навбатда мустамлакачи давлатларда) шарқшунослик илми XVIII асрда пайдо бўлган ва XIX асрнинг ўрталаридан жадал ривожланган.<sup>1</sup>

Россия илмий шарқшунослиги шаклланишининг учта асосий манбаси мавжуд эди:

1. Ҳарбий ва дипломатик идораларга хизмат қилувчи ва ташқи савдо манфаатларини таъминлайдиган амалий шарқшунослик.;

2. Шарқий халқларнинг анъанавий (одатда диний) илмий мактаблари, ўзларининг ва қўшни мамлакатларнинг миллий маданияти ва тарихини ўрганган;

3. Ғарбий шарқшунослик, жумладан Ғарбий Европадан Россияга таклиф қилинган олимлар тадқиқотлари, уларнинг таржимонлик фаолияти.

Илмий адабиётларда рус шарқшунослиги тарихи хронологик тамойилга кўра 6 та босқичда изоҳланади:

1. Шарқ мамлакатлари билан танишув (XVIII аср)– Россия императори Петр I нинг шахсий ташаббуси билан Шарқ тилларига давлат сиёсати даражасида эътиборнинг кучайиши (1682–1725).

2. Император Фанлар академиясининг ташкил қилиниши ва Шарқ тилларининг ўқитилиши (1725–1762).

3. XIX асрнинг биринчи ярмидан бошлаб Қозон ва Харьков университетларининг (1804, 1805) ва Осие музейининг (1818) ташкил қилиниши, соҳа мутахассисларини тайёрлаш.

4. Қозон ва Санкт-Петербургда Шарқ кўлэмалари фондларининг вужудга келиши (1820–1840).

5. Санкт-Петербург университетида Шарқ тиллари факультетининг очилиши (1855). Бу давр профессор-ўқитувчиларга, илмий изланувчиларга ҳар томонлама шароит яратиб берди. Факультетнинг биринчи битирувчилари рус шарқшунослиги, жумладан, туркология тарихида жиддий из қолдирди.

6. Россия ва унинг мустамлака ўлкаларида Шарқ халқлари тарихи, маданияти ва адабиётини ўрганувчи илмий жамият ва муассасаларнинг очилиши, илмий-адабий алоқаларнинг (XIX–XX аср) йўлга қўйилиши<sup>2</sup>.

1720 йилда Петер I томонидан "Турк ва бошқа Шарқ тиллари экспедицияси" деб номланган ташқи ишлар коллегиясининг ташкил этиш тўғрисида фармон чиқарди. Унга Шарқ мамлакатлари тилларини биладиган шахслар таклиф этилди.

Россия шарқшуносларининг миллий таркиби фақат рус олимларидан иборат бўлган эмас. Улар орасида немис, турк, озарбайжон, татар, француз, швед олимлари ҳам фаолият кўрсатган. Тарихдан маълум бўлишича, XVIII–XIX асрларда чет эл шарқшунослари ё узоқ муддатга, ё муқим яшаш учун Россиянинг шарқшунослик маркази Санкт-Петербургда кўчиб келишган. Шарқшунослик илмларини давлат сиёсати даражасида ривожлантириш, моддий рағбат ва илмий иш олиб боришга етарлича шароит уларнинг Россияда қолишига ва ишлашига изн берган. Л.Кун,

<sup>1</sup> Куликова А.М. Российское востоковедение XIX века в лицах. –СПб.:Петербургское востоковедение, 2001.–191 с.

<sup>2</sup>Халлиева Г. XX аср Россия шарқшунослиги ва ўзбек мумтоз адабиёти. Монография. Тошкент-2018. Б-19

В.Бартольд, А.Б.Дорн, В.Ф.Миллер, И.Я. Шмитд, Ф.Б.Шармуа, В.В.Радлов ва бошқа олимлар ана шундай илмий муҳитнинг вакиллари эдилар.<sup>1</sup>

1797 йилда ташқи ишлар ҳайъати таркибида "Осиё халқлари билан боғлиқ ишларни олиб бориш учун махсус Департамент" ташкил этилди. 1823йилда вазирлик учун мутахассислар тайёрлаш мақсадида Шарқ тиллари ўқув бўлими ташкил этилди, Улар яхши маълумотга эга бўлган билимдон ёшларни ўқишга қабул қилишди.

Ўрта Осиё ва Кавказдаги мустамлакачилик урушлари муносабати билан амалий шарқшуносларга ва шарқшуносликка бўлган эҳтиёж айниқса XIX аср ўрталарида ошди. Амалий шарқшунослик соҳасидаги улкан ютуқлар Осиё департаменти раҳбари, йирик дипломат ва олим, Шарқ билимдони Е.П. Ковалевский (1811-1868) номи билан боғлиқ. Унинг ташаббуси билан Осиё мамлакатларига катта илмий-дипломатик миссиялар юборилди. Экспедициялар натижалари жиддий илмий қизиқиш уйғотди. Н. В. Хаников Эрон ва Афғонистон миссиясини, Н. П. Игнатъев – Хива ва Бухорога экспедициясини, Н. Г. Столетов – Бухоро ва Афғонистонга дипломатик миссияни бошқарган.<sup>2</sup>

Шарқшунос-дипломатлар Санкт-Петербургда бўлиб ўтган III халқаро шарқшунослик Конгрессига тайёргарлик кўриш ишларида фаол иштирок этдилар, йирик шарқшунос Ф. Р. Остен-Сакен эса бош котиб сифатида фаолият олиб борган эди. 1876 да Санкт-Петербургда шарқшуносларнинг III халқаро Конгресси жаҳон шарқшунослари жамиятида Россия шарқшунослигининг катта хизматларини эътироф этиш эди. Бу ўринда Петербург шарқшунослигининг фан тарихидаги ўрнини алоҳида қайд қилиш лозим<sup>3</sup>. 1876 йилдаёқ шарқшунослик бўйича халқаро 3-анжуманнинг айнан Петербург университетининг шарқшунослик факультетида ўтказилгани ва бу олий ўқув масканида В.В.Бартольд, П.М.Мелиоранский, В.Д.Смирнов, С.Е.Малов, А.Н.Самойлович, А.Н.Кононов, Е.Э.Бертельс каби таниқли олимларнинг илмий-педагогик фаолият олиб борганининг ўзи университетнинг илмий нуфузи қанчалик баланд бўлганидан дарак беради.

Россия ҳарбий бўлими шарқшуносликни шаклланишига катта ҳисса қўшди. Ҳарбий миссиялар ва агентлар Санкт-Петербургда сиёсий вазият, география, аҳолининг этник таркиби, динлар, биринчи навбатда, Шарқнинг қўшни давлатлар билан муносабатлари ҳақида батафсил маълумотлар етказиб турдилар.

Генерал А.П. Эрмолов бошчилигидаги йирик ҳарбий-дипломатик миссия 1817 да Эронга ташриф буюрди. Ушбу экспедиция натижасида форсларнинг урф-одатлари ва ҳарбий муносабатлари ҳақида маълумотлар тўпланди. Ҳарбий шарқшунос генерал И. Ф. Блумберг Эрон ва Афғонистонда

сезиларли фаолият юритди. Хитой тарихи ҳарбий шарқшунос М. И. Венюковнинг тадқиқотларида ўз аксини топди. Россия ҳарбий бўлими шарқшуносларнинг кадрларини ўз эҳтиёжлари учун тайёрлади<sup>4</sup>.

1824 йилда Александр I фармони билан Россия армияси учун ҳарбий таржимонлар тайёрлаш Оренбург (1844 кадет корпуси билан), Киев ҳарбий мактабида ташкил этилган. Мактабда ўқиш олти йил давом этган.

1897 йил Тошкентда Туркистон ҳарбий округи қароргоҳида хинд тилинини ўрганиш, ҳарбий таржимонларни тайёрлаш бўйича курслар ташкил этилди.

Таниқли шарқшунос Бичурин Хитой, Манчур, мўғул тилларини муваффақиятли ўзлаштирган ва бу мамлакатларнинг тарихи, географияси, дини ва

<sup>1</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. –Л.:РАН, 1927. –256 с.

<sup>2</sup> Муҳаммаджанов А. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатларига доир баъзи манбалар. Т.:Ўзфанакаднашр,1957.–223б.

<sup>3</sup> Куликова А.М Становление университетского востоковедения в Петербурге. – М.:Наука,1982. –206 с.

<sup>4</sup> Российские экспедиции в Центральную Азию на рубеже XIX–XX вв. Под ред. И.Ф.Поповой. –СПб.: «Славия», 2008. –244 с.

фалсафасини ўрганган. Бичурин Хитой, Мўғулистон, Марказий Осиё, Тибет ва узок Шарқ муаммолари бўйича 14 та китоб чоп этди. Унинг қаламига мансуб тарихий – илмий тадқиқотларда қадимги даврдан 1635гача бўлган мўғул халқининг тарихи, Хитой империясининг статистик тавсифи, қадим замонларда Ўрта Осиёда яшаган халқлар ҳақидаги маълумотлар тўплами ўз талқинини топган. Жаҳон илмида биринчи марта Бичурин Хитой цивилизациясининг ўзига хослиги ва жаҳон маданиятининг таркибий қисмларидан бири сифатида илмий асослаган<sup>1</sup>.

Фанлар академияси тизимидаги биринчи махсус шарқшунослик институти – Осиё музейи 1818 йилда ташкил этилган. Унинг директори ва бошқарувчиси сифатида германиялик академик Мартин Френга тайинланган. Осиё музейининг пайдо бўлиши билан Россия академик шарқшунослик тарихи бошланади. Музейда Шарқ кўлёмалари, Шарқ ва ғарбий Европа шарқшунослик китоблари, Шарқ тангалари тўплами ва кутубхона мавжуд эди. Санкт-Петербургдаги Осиё музейи дунёдаги энг йирик Шарқ кўлёмалари тўпламларидан бирига эга эди.

Шарқшунос К.Г.Залеманнинг ташаббуси билан 1897 йилда Россия ФА кўмитасига Ўрта Осиёдаги кўлёмаларни тўплаш ва ўрганишга маблағ ажратишни сўраб хат ёзилади. Айнан шу хат Туркистоннинг моддий ва маънавий бойликларининг талон-торож қилинишига йўл очиб беради ва «талаш операцияси» учун махсус илмий экспедициялар уюштирилади. Экспедиция вакиллари тезлик билан маҳаллий китоб савдогарлари, ўз кутубхоналарига эга шахслар билан боғланиб, бир қанча кўлёмаларни топишга муваффақ бўладилар. Жумладан, В.И.Игнатъев 47 та, Д.М.Граменицкий 24 та, А.Л.Кун 133та, Я.Я.Лютш 28 та, Н.Ф.Петровский 131та, Ф.Ф.Поспелов 22 та, С.М.Смирнов 57 та, В.В.Бартольд 21 та, З.Валидов 26та, С.Ф.Ольденбург 89 та, А.Н.Самойлович 52 та кўлёмани қўлга киритадилар ва Осиё музейига топширадилар<sup>2</sup>. 1915 йилда шарқшунос В.А.Иванов Осиё музейи директори К.Г.Залеманнинг махсус топшириғи билан Бухорога юборилади. Натижада олим Бухородан Россияга 1057 та кўлёмани олиб келади ва бу манбалар фан тарихида «Бухоро коллекцияси» деб ном олади. Кўлёмаларга биринчи бўлиб К.Г.Залеман тавсиф беради. Шарқ кўлёмалар институтидаги шарқшунослар архивида (Санкт-Петербург) ўша манбаларга В.А.Ивановнинг ўзи тузган тавсифи ҳам сақланмоқда<sup>3</sup>. Россия ФА маълумотида кўра В.А.Иванов 1916–1918 йилларда яна Бухорога келиб, кўлёмаларни йиғиш ва ўрганиш билан шуғулланган. Хуллас, В.А.Иванов Осиё музейига жами 1178 та кўлёмани топширган. Фан тарихида Ўрта Осиёдан музейга бунча кўп кўлёмани топширган бошқа шарқшунос олим кузатилмаган.

Шарқшуносликда Кавказорти худудлари, Марказий Осиё ва Қозоғистон давлатларини ўрганиш муҳим ўрин эгаллаган. Ўлка тарихини ўрганилишида ташкил этилган илмий тўғараклар ва жамиятларнинг фаолияти муҳим ҳисобланади. Жумладан, Археология ҳаваскорларининг Туркистон тўғараги (Туркестанский кружок любителей археологии), Рус географик жамиятининг Туркистон бўлими (Туркестанский отдел Русского географического общества), Ўрта ва Шарқий Осиёни ўрганувчи рус кўмитаси (Русский комитет для изучения Средней и Восточной Азии), Рус географик жамияти (Русское географическое общество), Тошкент Ўрта Осиё илмий жамияти (Среднеазиатское научное общество в Ташкенте), Санкт-Петербург Осиё музейи (Азиатский музей) ва шарқшунослик институтларининг (Тошкент, Санкт-Петербург, Москва, Қозон шаҳарларидаги) XX аср бошидаги фаолияти кейинги изланишлар учун

---

<sup>1</sup> Бичурин.Н.Я. «Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена».- М.:1952.-375с.

<sup>2</sup> Лунин Б.Б. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. Туркестанский кружок любителей археологии (1895–1917 гг.)– Т.:Наука, 1958. –319 с.

<sup>3</sup> Халлиева Г. XX аср Россия шарқшунослиги ва ўзбек мумтоз адабиёти. Монография. Тошкент-2018. Б-19

127.	<b>Сафаров С. С., Искандаров Мухриддин</b>	ТАҲИЯ ВА ТАКМИЛИ ВОСИТАҲОИ АУДИОВИЗУАЛИ ДАР РАВАНДИ ТАЪЛИМ	<b>498</b>
128.	<b>Саидов У.</b>	АБДУЛЛОҶОН ИСОҚОВ – КАШШОФИ САРАЗМ	<b>500</b>
129.	<b>Сайфиддинов Аброрхон Фахриддинович</b>	МАСЪАЛАҲОИ ҶОЙГИРКУНИИ ИСТЕҲСОЛОТ ВА РУШДИ КИШОВАРЗӢ ДАР ВИЛОЯТИ СУҒД	<b>502</b>
130.	<b>Сайфиллаева Д.К.</b>	ФИЛОСОФСКОЕ МИРОВОЗЗРЕНИЕ АБУ ХАМИДА ГАЗАЛИ	<b>504</b>
131.	<b>Сайхуна Ш., Давлатов Ш., Фозилова Т.</b>	ТАҒЙИРӢБИИ ТАСАВВУРОТҲО ОИД БА ИСБОТИ МАТЕМАТИКӢ	<b>507</b>
132.	<b>Сайхуна Шавкатзода, Ашӯркулов Фирдавс</b>	ҲАЛЛИ MASЪАЛАИ ДРИХЛЕ БАРОИ МУОДИЛАИ ЛАПЛАС ДАР СОҲАИ РОСТКУНҶА	<b>510</b>
133.	<b>Сафарова Севара Бурхоновна</b>	ИГРА КАК СРЕДСТВО ИНТЕРАКТИВНОГО ОБУЧЕНИЯ	<b>515</b>
134.	<b>Собиров У.Б.</b>	САДРИДДИН АЙНИЙ ВА УНИНГ ЖАДИЧИЛИК ҲАРАКАТИДА “БУХОРО ИНҚИЛОБИ ТАРИХИ УЧУН МАТЕРИАЛЛАР” АСАРИНИНГ ӮРНИ	<b>517</b>
135.	<b>Sulaymonbekov Suhaylbek Sobirbek o'g'li</b>	TURKISTON JADIDCHILIGI OTASINING ILMIY-MA'RIFIY QARASHLARI VA UNING ZAMONAVIY HAYOTIMIZDAGI O'RNI	<b>520</b>
136.	<b>Тангрикулов Жамшид Эркинович</b>	ҚАЙТА ҚУРИШ СИЁСАТИ: САБАБЛАР ВА НАТИЖАЛАР	<b>524</b>
137.	<b>Тангрикулов Жамшид Эркинович</b>	XIX АСРНИНГ II ЯРМИ – 1991 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР НАШРИ ТЎҒРИСИДА	<b>527</b>
138.	<b>Тахирова Маъсуда Абдужаббор кизи</b>	ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЕ ЦЕЛИ КАК ФАКТОР УСПЕШНОСТИ ПРОЦЕССОВ ОБУЧЕНИЯ И ВОСПИТАНИЯ	<b>531</b>
139.	<b>Тиллаходжаева Хуршида Джумаваевна</b>	ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИ ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДИНАМИКАСИНИ ӮРГАНИШ	<b>535</b>
140.	<b>То'rayeva Guli Bahriddinovna</b>	RUS SAYYONHLARI VA ELCHILARI ESDALIKLARINING TARIXIY - MANBAVIY QIYMATI(XVIII- XIXASRLARDA	<b>539</b>
141.	<b>Тўраева Гули Бахриддиновна</b>	РУС ШАРҚШУНОСЛИГИ ТАРИХИ (XVIII- XIX асрларда)	<b>543</b>
142.	<b>Тургунов Абдурахмон Гулумжон угли</b>	ЗАПАД И ВОСТОК: РАСЦВЕТ ЦИВИЛИЗАЦИЙ НА ВЕЛИКОМ ШЕЛКОВОМ ПУТИ	<b>547</b>
143.	<b>Turdiyev Vexruz Sobirovich</b>	ВЕНБУДИ'S VIEWS ON THE SPIRITUAL RENEWAL OF SOCIETY	<b>550</b>